TRANSPORT BO'YICHA
BOSH LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI

AKSIYADORLIK JAMIYATI

ГОЛОВНОЙ ПРОЕКТНО-ИЗЫСКАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ПО ТРАНСПОРТУ

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО

BOSHTRANSLOYIHA

100060, Toshkent sh., Nukus ko'ch. 23a Tel.: (+71) 255-82-98, 236-43-02 Temir yo'l tel.: 443-02 Faks: (+71) 233-27-82 http://boshtrans.uz e-mail: boshtrans@gmail.com

03.06.2022 № 01/1385

"Boshtransloyiha"
транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти
акциядорлик жамияти акциядорларига

"Boshtransloyiha" транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА

Ҳурматли акциядорлар!

"Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 28 июн куни, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй манзили бўйича жойлашган "Boshtransloyiha" АЖ маъмурий биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат **15:00** да бошланади.

Жамият акциядорлари рўйхатининг тузилиш санаси:

- умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун – **2022 йил 01 июнь;**
- умумий йиғилишда қатнашиш учун - **2022 йил 22 июнь**.

Кун тартиби:

1) Саноқ комиссияси аъзоларининг сон ва шахсий таркибини ва ваколат муддатини тасдиқлаш.

2) «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

3) «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

4) «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосасини тинглаш.

5) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

6) Жамият томонидан 2021 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатни аниқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлаш.

7) Жамият устави ва ички корпоратив низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳririни тасдиқлаш.

8) «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

9) «Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

10)«Boshtransloyiha» АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.

11) «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

12)Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлик битимларни тасдиқлаш.

13) «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил учун Бизнес-режасини ва Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

14)Жамият акциядорлари томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендларни ҳисобдан чиқариш.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй манзили бўйича жойлашган "Boshtransloyiha" АЖда (бухгалтерия бўлимида) 2022 йил 10 июньдан 27 июньгача, иш кунлари соат 10:00 дан 15:00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорларни руйхатга олиш соат **14:00** дан бошланади, акциядорларни руйхатга олиш соат **14:45** да тугатилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи хужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Электрон почта манзили: - **boshtrans@gmail.com,** Телефон: (+998) 71-254-89-10.

Ҳурмат билан,
Бош директор **Р.В.Рузиев**